**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ**
**ДЕН САЎЛЫҚТЫ САҚЛАЎ МИНИСТРИ**

**Г.Достановаға**
**Б.Кутлымуратовқа**

Мағлыўмат ҳәм орынлаў ушын қабыл қылынсин

**Орынлаў муддети 15.01.2023 жыл**

**Қ.Ж.КАМАЛОВ**

**№12/ «10 Январь 2023-жыл**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2023 йил "9" январ

14-42356 - сон

**Республика Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Республика Перинатал Маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ССВ, Тошкент шаҳар ССББ ва вилоятлар ССБ раҳбарларига**

*ахборот учун:* **РШТЁИМ, Республиика Тез тиббий ёрдам марказига**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2023 йил 6 январдаги "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда бажарилган ишлар якуни ва 2023 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида" ги 1-сонли буйруғи билан аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2023 йилдаги асосий тадбирлар режаси тасдиқланган.

Режага асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг текшириш гуруҳи томонидан жорий йилнинг 17-26 январь кунлари Республика Перинатал марказида фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини **текшириш ва услубий ёрдам кўрсатиш;**

18-27 апрель кунлари Сурхондарё вилояти, 9-18 октябрь кунлари Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ва даволаш-профилактика муассасларида Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ҳолатини **комплекс текширувдан ўтказиш ва амалий ёрдам кўрсатиш;**

март ойида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида, апрель ойида Жиззах ва Навоий, май ойида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари даволаш-профилактика муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги "Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар заҳираларини яратиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 137-сон қарори ижроси ҳолатини **ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш;**

апрель-май ойларида фуқаро муҳофазаси йўналишида республикадаги атроф-муҳитни лаборатор назорат кузатув тармоғи **(СНЛК)** таркибига кирувчи объектларнинг **жиҳозланиши ва шайлигини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш** тадбирлари ўтказилиши белгиланган.

Текшириш ва ўрганиш якунлари бўйича тузилган далолатнома ва маълумотномалар нусхалари Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, барча даволаш-профилактика муассасалари ҳамда санитария-эпидемологик осойишталик марказларида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини назоратга олиш ва амалдаги низомлар, буйруқлар, режалар ҳамда бошқа керакли ҳужжатларни қайта кўриб чиқишингизни сўраймиз.

**Вазир ўринбосари** **Э.Баситханова**

Ижрочи: Н.Тухтаев
ID: 204091
Сана: 09.01.2023

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIGI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS № 10/19
"10" 01 23

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI DEN SAWLIQTI SAQLAW MINISTRLIGI

230105, Nukus shaxri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @ssv.uz

230105, No'kis qalası, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk @ssv.uz

2023 jıl « 11 »yanvar
№ 02/202

**Республика санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси,**
**Қорақалпоғистон Республикаси худудий Перинатал маркази раҳбарларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сиздан ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **9.01.2022 йилги №14-42356-сонли** хати бўйича, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири - Фуқора муҳофазаси бошлиғининг 2023 йил 6 январдаги "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2022 йилда бажарилган ишлар якуни ва 2023 йилдаги асосий вазифалар тўғрисида"ги 1-сонли буйруғи билан аҳолива ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2023 йилдаги асосий тадбирлар режаси тасдиқланган.

- Режага асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаснинг текшириш гуруҳи томонидан **жорий йилнинг 17-26 январь** кунлари Республика Перинатал марказида Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунчилик талабларига риоя этилишини **текшириш ва услубий ёрдам кўрсатиш;**

**Апрель-май ойларида** фуқаро муҳофафазаси йўналишида республикадаги атроф-муҳитни лаборатор назорат кузатув тармоғи (СНЛК) таркибига кирувчи объектларнинг **жиҳозланиши ва шайлигини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш** тадбирлари ўтказилиши белгиланган.

Текшириш ва ўрганиш якунлари бўйича тузилган далолатнома ва маълумотномалар нусқалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Республика Перинатал маркази ва санитария-эпидемиологик осойишталик марказида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, ишчи-хизматчиларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид қарорларда белгиланган вазифаларнинг ижросини назоратга олиш ва амалдаги низомлар, буйруқлар, режалар ҳамда бошқа керакли ҳужжатларни қайта кўриб чиқишингизни сўраймиз.

**Вазир в.в.б:** **Қ.Ж.Камалов**

*Тайёрлади Г.Достанова*